

РАҲИМА СОДИҚОВА

МЕН СИЗНИ ҚҮМСАЙМАН

Шеърлар

Ташкент
«Янги аср авлоди»
2005

84(54)6-5 Бэдний эдэгчээт –
Шеърлар


Шоура ва журналист Раҳима Содиқованинг номи
китобхонларга яхши таниш. Шеърлари, қўшиқлари билан обрў-
зътибор қозониб, эл-юртниң дуосини олиб, самарали қалам
тебратадиган ижодкорларимиздан.

«Мен сизни қўмсайман» – Раҳима Содиқованинг янги китоби
ана шундай аталгани ҳам бежиз эмас. Бу тўпламдан муаллифниң
сўнгги йилларда меҳр билан битган ижод намуналари ўрин
олганки, у албатта сиз, шеърият мухлисларида илиқ таассурот
қолдиради.

Масъул муҳаррир:

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ҳалқ шоури

10 31929
08,



ISBN 5-633-01813-3

© Раҳима Содиқова. «Мен сизни қўмсайман».

«Янги аср авлоди», 2005 йил

Уибү китобимни онам
Хошия Истроил ҳожи қызларынкыг
әрқын хотириларига багишлайман
(Муаллиф)

ҚУЁШ ЮРТИ

Бир ўлқаки, ҳуснга бойдир,
Унинг энг зўр кўзгуси Ойдир.
Ҳамид Олимжон

Ойга кўзгу бўлолган ўлка,
Кунга ўтру бўлолган ўлка,
Бахти мангу кулолган ўлка,
Қуёш юрти, она масқаним –
Жоним Тошкентим.

“Шарқда машъал шаҳар” дейдилар,
Қучгани – шон-зафар дейдилар,
Тупроги дур – гавҳар дейдилар,
Таърифларга тўлиб тошганим –
Жоним Тошкентим.

Жаннат боғинг эзур бебаҳо,
Ҳуснингта зеб не қаср, бино,
Наинки ер остига, ҳатто,
Оlam қалбига йўл топганим –
Жоним Тошкентим.

“Хуш келибсиз!” – илк айтар сўзи,
Қўл кўксисда, порлайди кўзи.
Меҳмондўст эл билмайди тўзим,
Довруқлари довон ошганим –
Жоним Тошкентим.

Осиёнинг кўрки зурсан,
Сен қалбимнинг мулки зурсан,
Бошда – ҳумо, ғолиб, мағурсан,
Йўли иқбол сари тушганим –
Жоним Тошкентим.

Нон шаҳрисан, имон шаҳрисан,
Кўҳна Шарқнинг достон шаҳрисан,
Қалб ғурури, юрак фахрисан,
Меҳрин муҳр қилиб босганим –
Жоним Тошкентим.

Сафар чиқсан мен олис-олис,
Қалб чайқалар мисоли денгиз,
Юртлар аро ўзингсан тенгсиз,
Мен соғинч-ла қўмсаб шошганим –
Жоним Тошкентим.

Истиқлолинг – баҳтиңг муборак,
Истиқболдан таҳтиңг муборак,
Ўзни англаш вақтиңг муборак,
Мустақил юрт, бағри-чаманим –
Жоним Тошкентим.

Боғларингдан баҳор кетмасин,
Тоғларингдан виқор кетмасин,
Осмонингдан “зоғ”лар ўтмасин,
Сен ўзингсан мангу Ватаним –
Жоним Тошкентим.

НАШИДА

Бугун олам жилоланар
Мисли камалак.
Чарх уради сир-хаёллар
Гирди – капалак.

Тулиб кетар наволарга
Бу азим дунё.
Учгандайман самоларга
Күш бўлиб гўё.

Юрагини очди ўшал
Офтобжамолим.
Хар нигоҳи битта газал,
Бахти – иқболим.

Ақли доно, кўзи оташ,
Сузи дурдона,
Юраккинам дейди яккаш:
Сени мардона.

Севги деган шунчалар ҳам
Олов эканми?
Латофатни гунчалардан
Олар эканми?

Бугун олам жилоланар
Мисли камалак.
Чарх уради сир-хаёллар
Гирди – капалак . . .

ЕГДУЛАР

Елгизоек йүлдан мен
Кетардим елгизгина.
Хаеллари уфкни
Күчкө олган қизгина.

Елгизоек йүлдан мен
Борар эдим олисга.
Каршимда пайдо бўлдинг,
Пайдо бўлдинг оҳиста.

Елгизоек йүлдан мен
Интилардим юксакка.
Бахтимни осмон этиб,
Ўзинг кирдинг юракка.

Елгизоек йўлда мен
Ҳамроҳ бўлган елғизим.
Наҳотки тўғри келмиш
Сенинг билан юлдузим?!

Елгизоек йўлдан мен
Сен-ла магрур бораман.
Сен бор жойда зулматни
Егдуларга қораман.

Тунда Ойнинг ҳилоласи
Мажнунтолнинг панасида
Шўх анҳорнинг зилоласи –
Шеъларимнинг маъносида.

Шеъларимнинг сарчашмаси
Зилол бўлсин, тиниқ бўлсин.
Илҳомимнинг карашмаси
Серташирифу аниқ бўлсии.

Илҳомимдир учқур тулпор,
Бошла, мани юксакларга.
Дилда қўйма дарду ғубор,
Чашмада оқ юракларга.

ҚАЛБИМ

Муштдай қалбим қафасда, қафас бунча тор эрур,
Банди қилган кўнгилга қалбим интизор эрур.

Қанча қалбнинг гунчасин пайдон қилган эди-ку,
Ажаб, бу кун ўзи ҳам бир гунчага зор эрур.

Сўзлар бисёр кўнгилда, учрашганда тилим лол,
Қизлар учун қалб очиши – бунчалар ҳам ор зрур.

Дунё ўзи пундайми, ёки қалбнинг буйруги
Хуморлар қолиб, кўнглим ўзгага хумор эрур.

Билишимча дўстинг ҳам сенга сўз ўргатиби,
Шубҳа қилма, Раҳиманг сенга вафодор эрур.

СОҒИНЧ

Сен деганда у қызниң ўйлари чувалади,
Тик боқмаган күzlари – боқмайин уялади.
Номинг тинглаб, йўлингта қаради, қиёлади,
Сен деганда . . .

Сен келганда қалбидаги сиғмай жўшар қувончи,
Сенла бирга қайтармиш, гумон бўлган ишончи.
Ёлғиз ўзинг эрурсан олисдаги юпанчи,
Сен келганда . . .

Билсанми: қиз қалбин бир меҳрга зорлигин,
Хумор кўзи йўлингда яна ҳам хуморлигин.
Севдим, деб айтиш ахир, қизлар учун орлигин –
Биласанми? . . .

Келасанми, дилидан гумонларни парчалаб,
Шубҳалардан тоғ бўлган уммонларни парчалаб,
Меҳрисиз зришганинг – имконларни парчалаб,
Келасанми? . . .
Кел тезроқ!
Дил муштоқ!

РАҲМ БИЛМАС (Мұғашаша)

Р аҳм билмас сен севган санам,
М айли, ҳижрон ёндирисин, дейди.
А ламларда ўртайди бирам,
А ёв билмас, ўйлари, дайди.
Ҳ еч раҳмсиз фироқта ташлар,
Ҳ еч парвосиз ёнишларингга.
И хлосингни, кўнглингни ғашлар,
М айли йўқдир хонишларингга.
М сәринг тортар, ўғирлар тушинг,
У зун тунлар ўшал ойжамол,
А ввалбошдан банд этиб ҳушинг,
Д ардин айтмай юрар бемалол.

ХОТИРА

Сүхбат жуда қизиб кетади,
Яқин дўстлар бўлганида жам.
Гап мавзуси бирдан ўтади
Оталарга ... оҳ менинг отам ...
Шод қалбимга тўла бошлар ғам.

Сўниб қолар шу зумда кулгум,
Сўниб қолар сабр-бардошим.
Бошим эгиб зиёрат қилгум
Оқизганча кўзимдан ёшим –
Отам қабри – тинч мозорбошин.

Шунда таскин топади кўнглим,
Эслаб, қўмсаб отам коз-кўзин.
Армонларга тўламан дўстим,
Эслатмагин отамнинг сўзин,
Тополмасман ҳеч қачон ўзин.

* * *

Ўтар кунлар, ўтар ойлар ҳам,
Бир-бирига йиллар эргашиб,
Чарчамайди асрлар бардам
Офтобдан бизга нур ташиб.

Шундай пайтлар бўларкан ҳатто,
Бир сўз шифо, бемор инсонга.
Одамлар бор: беўқ, бехато
Юрагигни олар нишонга.

Яхшиларга яқин қил, тақдир,
Эзгуликка бўлолгин ҳамдам.
Юракларни қилгину асир,
Дардли дилга бўлолгин малжам.

НАВНИХОЛ

Навниҳол деб авайладилар,
Суғордилар тагларин чопиб.
Қараб, тараб ҳам бойладилар,
Тирговуч ҳам қўйдилар топиб.

Танасини қўйдилар оқлаб,
Ҳашаротдан бўлсин деб холи.
Ёз чогида ниҳолча дастлаб
Мева берди, оҳ, қандай болли.

Бугун-чи куз, атроф ҳазонрез,
Титрар дараҳт, ранги заъфарон.
Меҳр қўйған одамлар бу кез
Дараҳт силтаб, супурар ҳазон.

Қўлда калтак, савалаб уни,
Ҳеч аёвсиз қаранг, қоқурлар.
Кўклам кулган япроқларини,
Нега бугун ўтда ёқурлар?!

Айбламангиз ўткинчи вақтни,
Эҳ, бечидам одамлар сабри.
Калтакламанг, шўрлик баргларнинг
Уч-тўрт кунлик қолди-ку умри!

КИМНИ КУТАР

Тун ... Сутдайин бегубор, сокин,
Фунчаларнинг кўзида уйқу.
Ой сузади зриниб, секин,
Қалбга солар ажиб бир гулу.

Шовуллайди кумуш теракзор,
Баъзан мендай қўяр энтикиб,
Хумор қалби кимни кутар зор,
Баландларга чиқиб, кўз тикиб?..

ҚАДРИМ

Анқор бўлиб, сой бўлиб оқсам,
Гўзалликка бой бўлиб оқсам,
Сувга интиқ чўллар, далалар,
Водийларга гул-лола тақсам.

Пахтазорлар қўйнида бўлсам,
Яшартирмоқ қўйида бўлсам,
Тонгда шаффоф шабнам мисоли
Гул-лолалар бўйида бўлсам.

Саҳроларга бағипласам жон,
Хизматимдан эл бўлса хандон!
Эътирозим шугина фақат:
Қадрим сувдай бўлмаса арzon.

МАНЗАРА

Булутларнинг этаги –
Шамолларнинг зрмаги.
Юлдузларни аллалар
Ойноманинг зртаги.

Икки соя ҳов пастда,
Сир – зитиккан нафасда.
Ошиқларга термулар
Ойнома ҳам ҳавасда.

Ишқдан сўзлаб ҳикоя,
Энтикар икки соя,
Ётогига сиргалар
Ойнома ҳам ниҳоят.

Сой суви жимир-жимир,
Соялар этмас қимир,
Сен уларга баҳт тила,
Ойномажон бир умр.

БҮЛСА БОРДИР...

Күзларимда бор эмиш қувонч,
Лабларимга муҳрмиш кулғу.
Севинчимдан кимгадир юпанч,
Кимларгадир солмишман гулу,
Бұлса бордир . . .

Күзларимда бор эмиш қайғу,
Мағрур бошим ғамдан әгикмиш,
Далда берар пинқоний түйғу
Дарларимга у ҳам шерикмиш.
Бұлса бордир . . .

Қалбда кечган қувонч, ғалаен,
Дүстіга – меҳр, душманға – сурон,
Күзларимда бұлар намоён,
Дерлар: “Қалбға – күзлар таржимон”
Бұлса бордир . . .

ХАЁЛИМ

О... хаёлим, хаёлим,
Бунча тубсиз, йироқсиз.
Баъзан зулмат мисоли,
Баъзан эса чироқсиз.

Ошкор қилмай сирини,
Фикрларим чувалар.
Тутай дейман бирини,
Тутқыч бермас қувалар.

Олган фикру ўйимни,
Шеърдир асли – хаёлим.
Нурға чайиб күйимни,
Яшнатаувер ҳаётим.

БАХОР

Құшиқ түқиб, мамнун жилемайиб,
Келди ўша таниш гулбақор.
Еллар сұзлар майин, ийманиб,
“Юр сайдың, мен билан, дилдор”.

Юзим сийаб шивирлар яна:
“Күрятсанми, кезмоқда бақор,
Құвноқ құшлар қылар тантана,
Лолазор ҳам бизларға хумор”.

Ажаб, әр йил келганды бақор,
Бұлыб қолар еллар ҳам бийрон.
Ажаб, зәни кеңганды бақор,
Үсма суртиб нозланар жақон.

Мағтуннингман, гүзал гулбақор,
Лолазорлар шайдоси ўзим.
Қалбим доим бақорға хумор,
Сенға доим муштоқдир күзим.

Қайларгадир шошилар юрак,
Шошилади юрак – бесабр.
Неларгадир интилар, чопар,
Кимлардандин кутади тадбир.

Қафасига сигмай зитикар,
Хижрон чоги муштдай юрагим,
Хижрон аро күнларға қўйиб,
Қайлардасан, олий тилагим?

ЭСЛАЙМАН СЕНИ

Ёмгирли кунларда эслайман сени,
Юлдузли тунларда эслайман сени,
Ёмгир каби шошқын, тундай осуда
Жимгина унларда эслайман сени,
Унутиш шунчалар оғир экан, оҳ.

Ёмгирдай ёш түкиб, ёшли күзинг-ла
Энтикиб дегандинг: “Гаппарат тингла,
Мен сени деганман, умрим борича . . .”
Англадим: ваъдалар, куз ёш, сузинг-ла
Ўткинчи бир ҳавас, ёмғир экан, оҳ.

Юлдузли тунларда бирга кезардик,
Дилшарда борини сўзсиз сезардик,
Севгимиз олқишилаб, ғазаллар түкиб,
Ойдин кечаларда ой-ла сузардик . . .
Муҳаббат -- чўғ тўла тандир экан, оҳ.

Ўтган ширин дамлар ёдимда бу кун,
Ҳавас қилганлар ҳам ёнимда бу кун,
Кунларим ёмғирли, юлдузим учди . . .
Дўстларим юпатар, хўрсиниб сёкин,
Сўнг қўшиб қўйишар: “Тақдир экан, оҳ”.

Ёмгирли кунларда эслайман сени,
Юлдузли тунларда эслайман сени,
Ёмгир каби шошқын, тундай осуда
Жимгина унларда эслайман сени,
Унутиш шунчалар оғир экан, оҳ.

ОНАГИНАМ

Онагинам –
Мүшфиқ мунисим,
Зиммангизда қанча тапшиш бор.
Онагинам – табаррук исм,
Мангу сиз-ла қылай ифтихор.

Онагинам –
Фамхұр ва доно,
Күзингизда дунә сезинчи.
Сизсиз борлық қолар бемаъно,
Сизсиз йүқидір оламнинг тиңчи.

Онагинам –
Фоят қаттиқүл,
Бұласиз гоҳ бир айбым учун.
“Бебошгинам, қолиб түғри йүл,
Сен неларга сарф этдинг күчинг? ”.

Онагинам –
Азиз, меҳрибон,
Сизни дейман, – олам тиргаги.
Сиз билан нур, олам чарогон,
Уриб туар замин юраги.
Онагинам . . .

* * *

Дарә шовуллайди,
Қалбим ловуллайди ...
Шубҳалар пинжида чарх урган ўйим,
Вассажуфтда құнған қалдирғоч мисол,
Кимнингдир қалбіда топади қўним.

Дарә имламоқда,
Қирғоқ намланмоқда...
Негадир, қайгадир шошиб, энтикиб.
Шошаман, қайдадир йироқ-йироқда
Кимимдир йўлимга қарап кўз тикиб...

ОДАМЛАР

Нечун бугун сустсан, азизим,
Кўзларимга мунгли боқасан,
Неларнидир ўйлайсанда жим,
Тушунолмай киприк қоқасан.

Огушига олар хаёллар,
Бири – қўрқув, бири – ваҳима.
Ўтар сени тубсиз саволлар,
Нима учун, нима гап, нима?..

Эҳ дугонам, мунча нотинчсан,
Сени бўғар ўткинчи ғамлар.
Ҳолатингни кўриб севинчдан
Куляяпти ўша одамлар.

СУМАЛАК

Баҳор келди сийнб сеп,
Дараҳтлар ёзди куртак.
Қўни-қўшни бўлиб тўп,
Қилмоқ бўлдик сумалак.

Сумалак бу аслида –
Наврўздан бир шарофат.
Айни баҳор фаслида –
Пишириш бизга одат.

– Сойдан териб келинг тош, –
Дейди опам Санобар.
Барчамизга бўлиб бош,
Иш тақсилар баробар.


Буғдой экиб ундирган
Мана шу катта опам.
Хамма ишни тиндирган,
Ўзи чақондир хўпам.

Яқиндаги сойдан биз,
Тош келтирик бир талай.
Тегиб турди фойдамиз,
Ёрдамчимиз ҳарқалай.

Қазиб улкан ерўчоқ,
Ўрнатилди дошқозон.
Ўт ёқдик қучоқ-қучоқ,
Сумалак змас осон.

Кўлларда ёғоч қангир,
Бугун ҳамма пазанда.
Қайнайди биқир-биқир,
Сумалак дошқозонда.

Ёнгоқ мисол тошлари
Кавлагандга ўлашибар.
Энди тоша бошларми,
Сув қуямиз пақирлаб.



Хеч ким четда қолмади,
Еттидан етмиш яшар.
Қозон кавлаб толмадик,
Сумалак – завқули ҳашар.

Қаранг оқшом түшдию,
Сумалак пишмас ҳамон.
Ялпиз сомса пишдию,
Сумалак еймиз қачон?

Опам дейди: күк сомса –
Баҳорнинг илк күкати.
Ким уни түйиб еса,
Аъло бўлур сиҳати.

Ялпиз сомса – оҳ маза,
Лекин сумалак – бўлак,
Хуштаъмликда овоза
Сумалак бўлса керак.

Мен уни кута-кута,
Кириб олдим ўринга.
Пишар экан ноиушта,
Келиб сиз ҳам кўринг-а!..

Қўёш кокилин тараб,
Бирам сулув тоиг отди,
“Сумалак пишда, қаранг”,
Деган овоз уйғотди.

Бир қозон бўлиб, ҳай-ҳай,
Етилибди сумалак.
“Мон битта ялаб кўрай”,
Дейди укам, жонсарак.

Тотиб кўрдим: Оҳ, оҳ, оҳ,
Бунчалар шарбат – ширин.
Шакар солмовдик мутлоқ,
Бунда не сир яширин?

Кўпчилик қилса меҳнат,
Жам бўлиб, Ҳамид бўлиб,
Ширин бўларкан ҳар вақт,
Шундайин асили бўлиб.

ДАМ ОЛИШ КУНИ

Илк саңардан аел турар,
Тайёрлай деб зап ионушта.
Сут келтириб, хамир қорар,
Вақти бўлмас ҳар кун ишда.
Бугун ахир дам олиш куни.

Дастурхоннинг атрофида,
Буюртмачи болалар жўр:
– Манти қилинг,
– Йўқ мошхўрда,
– Йўқ, йўқ иорин – баридан зўр.
Бугун ахир дам олиш куни.

Ишлари-сий бирам кўпдир,
Тикиш-чатиш, кир-чир, дазмол.
Уй тозалаш, супир-сиdir,
Меҳмон келарми, эҳтимол –
Бугун ахир дам олиш куни.

Уч кун бўлди “кўзи ёриб”,
Ўғил кўрди қайнингли,
Келиш керак бирров бориб,
Йўқса оғриб қолар кўнгли,
Бугун ахир дам олиш куни.

Сочу тирноқ бир аҳволда,
Сартарошга бориш керак.
Аёл – барибир аёл-да,
Ўзига ҳам қарашиб керак.
Бугун ахир дам олиш куни.

Қай бирига чопса экан,
Улгуролмай боши қотар.
Вақти қайдан топса экан,
Эр – рўзнома ўқиб ётар.
Бугун ахир дам олиш куни.

Ҳар якшанба шудир аҳвол,
Югурди, елар аён.
Түғилади ҳақли савол:
Қачон дамин олар аёл,
Бўлармикин дам олиш куни?

ШОДЛИГИМНИНГ БОИСИ

Баҳор латофатидан кўзларим порламоқда,
Навбаҳорнинг еллари манзилга чорламоқда.

Лолалар ханда қилган қирларга чиқай пешвоз,
Чарх урай қалдирғочдай, кўкларга қиласай парвоз.

Кел дугонам, ушбу кун шеър дафтаринг ола кел,
Қалбга гулгула солган сир-гапларинг ола кел.

Юраккинам тошмоқда шириш, пинҳон ҳислардан,
Келгин суҳбат қурайлик талабалик кезлардан.

Баҳорга пешвоз чиқмоқ қадимдан бир одатдир,
Баҳорга етмоқ, алёр айтмоқ ҳам саодатдир.

Алёр баҳор, гул баҳор, баҳту шодлик боиси,
Оlamни тутсин фақат баҳт хониши, гул иси.

* * *

Ёлғыз мен уйдаман, мудроқ хонада,
Күз үнгимда даҳшат – тун қоронгуси.
Пойлаяпсан рақиб, балки панада,
Якка қолди, дәе шоир түйгуси.

Үйларимга чангал солмоқчи бўлган,
Эй рақиб, сўзлагил, мақсадинг надир?
Гар мен керак бўлсам, қонларга тўлган –
Кўзларинг ўйнатма, юзма-юз гапир! . . .

БОЛАКАЙ

Чопқиллаб ўйнайсан, болакай,
Шўхлигинг қўймайсан, болакай.

Тинимни, ташвишни билмайсан,
Хоришни, нолишни билмайсан.

Бир тўда ўйинчоқ бўлса бас,
Сенга ҳеч тўсиқлар писандмас.

Қувганинг капалак, қушлардир,
Кўрганинг бокира тушлардир.

Гулларнинг хандаси лабингда,
Мусаффо маъсумлик қалбингда.

Қийқириб куласан, болакай,
Бўлсайдим беташвиш боладай.

ХОТИРА ХИЁБОНИДАГИ ЎЙЛАР

Ўтса ҳамки қанча йиллар
Айрилиқ бир ноладир.
Номингизга туташ йўллар,
Армонларга тўладир.

Она-Ватан – фахрим дея,
Жонни фидо этганлар.
Ёвга нафрат қаҳрим дея,
Ён бошига етганлар.

Сиздан айру қилди тақдир,
Қонхўр уруш – шум оғат.
Йилдан-йилга ардоқлидир
Сиз кўрсатган жасорат.

Йигит бўлиб қон, урушдан
Бошқа иени кўрдингиз?
Оҳ, долғали бу турмушда
Билинмоқда ўрнингиз.

Бўзлаб етим қолмас эдик,
Бўлмагандан шум уруш.
Балки керак бўлмас эди,
Бугунги қайта қуриш.

Софинч ўртаган маҳали,
Этажакмиз бунда бош.
Сизни тавоғ айлагали
Ҳар куни чиққай қуёш.

Жанглардан сўнг гўё бунда
Кўз юмгансиз уйқуга.
Оромингиз асраб кунда,
Таъзимдамиш мантуга.

ҚҰШ КЕЛИН

Күш келин, күша келин,
Түйга файз құшған келин.
Хонамизнинг чиройи,
Қуёши, түлин ойи
Бұлған қүш келинсизлар,
Хушваңт, хуш келибсизлар,
Қүш-күш бўлсин баҳтиңгиз,
Қатъий бўлсин аҳдингиз.
Икки ёнда келинчак,
Икки ёнда беланчак.
Фарзандлар ҳам қүш бўлсин,
Соф ниятлар эш бўлсин.
Кундай кулсин юзингиз,
Гулга тўлсин иззингиз.
Кусмаларга тилагим:
Асранг аёл юрагин.
Содик, барқарор бўлинг,
Мангу баҳтиёр бўлинг.

МУҲАББАТ

(*Musammasaχ*)

М уҳаббат – меҳрдан яралар асли,
У ни ёдга солар нағбаҳор фасли.
Ҳ амдам кўнгилларга баҳор баҳона,
А ивойи чечаклар – гулдан нишона.
Б утун эзгу ният ҳар бир кўнгилда,
Б аҳор тилаклари бўлур ижобат.
А ҳ д ила садоқат йўғрилган дилда –
Т антана қылғуси асл муҳаббат.

ОҚ ҚОҒОЗ

Оқ қоғоз, оппоқ қоғоз,
Қанотингни қоқ, қоғоз.
Хат бўлиб, сүҳбат бўлиб,
Арзи муҳаббат бўлиб,
Айлагил қувноқ, қоғоз.

Оқ қоғоз, оппоқ қоғоз,
Мен билан ўртоқ қоғоз.
Кўним билмас хаёллар,
Лол қолдирган саволлар,
Сенгадир муштоқ қоғоз.

Оқ қоғоз, оппоқ қоғоз,
Ҳамиша ҳамроҳ қоғоз.
Мусавирининг сийрати,
Ижодкорнинг санъати –
Сен билан янгроқ қоғоз.

Оқ қоғоз, оппоқ қоғоз,
Ниятим ҳам оқ, қоғоз:
Юзинг қора бўлмасин,
Қалбни яра қилмасин.

Пок шодумон дилларга
Солмагил титроқ, қоғоз.

Оқ қоғоз, оппоқ қоғоз...

МЕН СИЗНИ ҚҮМСАЙМАН

Баъзан түйиб кетсам мижғов гаплардан,
Баъзан куйиб кетсам күигли чаплардан,
Нуроний чеҳрангиз топмай сафлардан,
Мен сизни құмсайман, азиз Онажон.

Баъзида кенг олам тор бўлиб қолса,
Ташна дил меҳрға зор бўлиб қолса,
Кўнгилни сўрашлик ор бўлиб қолса,
Мен сизни құмсайман, азиз Онажон.

“Дўст” деб ишонганим имонин сотса,
Жигар деганимнинг дийдаси қотса,
Кўксимга тиканмас аламлар ботса,
Мен сизни құмсайман, азиз Онажон.

Ортиқча сув бузар ўзан-аригин,
Сийлаганинг бошга қўйса чоригин,
Кийиги тарқ этса ишонган бодгин,
Мен сизни құмсайман, азиз Онажон.

МАВЛУДАХОН

(*Muvashash*)

М афтун қилган гўзал қиз руҳмисан, паримисан,
А сл инжудай азиз, қизлар гавҳаримисан?
В о ажаб, кўзларингда куйдиргувчи табассум,
Л атофатга ҳамроҳи андуҳдан наrimисан?
Ү зун туилар висолини ҳаёлимни банд этмиш.
Д ардим малдами – ўзинг, ишқим сарваримисан?
А йб айлама қувноғим, сўзларимдан адашсам,
Ҳ олим забун айладинг, қизлар маккоримисан?
О лам менга тор бугуя, беспарвосан азизам,
Н оминг-ла урап қалбим, юрак-меҳваримисан?

ВАФО МАДХИ

(Дүэм)

Йигит:

Сен эмасми юрагимни олган ойжамол,
Қанча савдо, қанча ташвиш солған ойжамол,
Юрагимни очганимда бепарво, кулиб,
Ишқұда эмас, ҳавасларда толған ойжамол?

Қиз:

Юрагингни олган мендурман,
Савдо-ташвиш солған мендурман.
Айттанингдек, ҳавасда эмас,
Ишқинг билан толған мендурман.

Йигит:

Сени дейман күкдаги ой ва юлдуз ҳаққи,
Қүёш бизга ҳада эттан бу кундуз ҳаққи.
Гар ваъданғта вафо билан иқрор экансан,
Юрагимда сөвгим яшар ёрут көз ҳаққи.

Қиз:

Ёрут көзли шоксуворим сен,
Чин севгига вафодорим сен.
Мәҳнат билан шұхрат тараттан,
Асл донгдор, мададкорим сен.

ГУЛ СОФИНЧИ

Офтоб ёзиб зар кокил,
Күчоқ-күчоқ нур сочди.
Құрмизи ранг гулларим
Митти лабларин очди.

Гул кимни соғинибди?
Яноғида томчи ёш.
Бир түнлик ҳижронга ҳам
Беролмабди-да бардош . . .

Соғинтирган ким десам,
Күқдаги қуёш зкан.
Тунда уни күролмай,
Гул күзіда ёш зкан.

АЛП ЖАМОЛГА

(*Едіншілік*)

Боғлар аро кезар здим, гул бўйидан маст,
Олислардан садо келди, ажаб сирли сас:
“Ўксимайман, чинорчалик яшамадим, деб,
Нолишими йўқ, мен тоғларга ўхшамадим, деб.

Мен боғларда оддийгина бир дараҳт мисол,
Мевалари хазон билмас ва топмас завол.
Қиши-қировли кунлар ўтди, қилмадим “оҳ”лар.
Тош тегишин билар асли мевали шоҳлар.

Мен халқимга улашганим – табассум ханда,
Жон томири бўлиб яшар покиза танда.
Бу тан ўтда ёнмагайдир, чўкмагай сувда
Алплар мисол Жамоли бор ҳатто уйкуда.

АЛЛА

Турналар тизим-тизим,
Қолдирмас бирор изин,
Турнадай маржон бўлай,
Бўйнингга, она қизим,
Алла-е, алла.

От келар гулдур-гулдур,
Севганим атир гулдир.
Жажоғигинам юрар жой –
Энг равон, қутлуг йўлдир,
Алла-е, алла.

Сув бўйида мажнунтол,
Бош эгиб сурар хаёл.
Қора кўзим, дўмбогим,
Сенга ёр бўлсин иқбол.
Алла-е, алла.

Шилдир-шилдир сув оқар,
Водийларга гул тақар.
Тили бийрон тойчогим,
Сўзларинг дилга ёқар.
Алла-е, алла.

Юлдузлардир жим-жима,
Ой сузар гўё кема.
Отанг-онанг бор экан,
Толсингдан ғам ема.
Алла-е, алла

ОНАЖОНИМ, ХАЁЛИМДА – СИЗ

Онаジョンим, хаёлимда – Сиз!
Галирган ұар мисолимда Сиз!
Хәётимнинг ұар дақиқаси,
Сиз күрмаган иқболимда Сиз!
Онаジョンим, хаёлимда – Сиз!

Хазонрез бөг ұувиллаб қолди,
Сизни құмсағ қорагим толди.
Тақдир башга айрилиқ солди,
Онаジョンим, хаёлимда – Сиз!

Қайга учди айтинг баҳт құшым?
Хеч нарсага йўқ эзур ұушим,
Қани бари бўлсайди тушим,
Онаジョンим, хаёлимда – Сиз!

Қаро тунлар оқ тонгсиз бугун,
Кулгуларим жарангсиз бугун.
Яноқларим, оқ рангсиз бугун,
Онаジョンим, хаёлимда – Сиз!

Юрак бўзлар ёй қилиб қаддин,
Изингизнинг ҳаттоки гардин
Энди қайдан излаб ахтаргум,
Онаジョンим, хаёлимда – Сиз!

Кўчаларим, яккаш кўчалар,
Қабрингизга туташ кўчалар,
Бундан ўтса, қанча-қанчалар
Онаジョンим, хаёлимда – Сиз!

Ўтиб борар ана, кампир-чол,
Чолда ҳасса, кампир қадди дол.
Ҳавасларда термуламан лол,
Онаジョンим, хаёлимда – Сиз!

Мен ўтаман бошим қилиб ҳам,
Мен ўтаман юрагимда ғам,
Мен ўтаман кўзларимда нам,
Онажоним, хаёлимда – Сиз!

Юрагимнинг сирдоши қани?
Журъатиму бардошим қани?
Тўй-ҳашамда тўйбошим қани?
Онажоним, хаёлимда – Сиз!

Орзуимнинг поёнларида,
Байрамларнинг шодонларида,
Етим қалбим армонларида,
Онажоним, хаёлимда – Сиз!

Жунгихтирас кузнинг қуёши,
Тиёлмасман кўзимнинг ёшин,
Ҳастимнинг энг аввал боши –
Онажоним, хаёлимда – Сиз!

Онажоним, хаёлимда – Сиз...

ТИШ ВАСФИ

Сен күнглингни қўйган санам –
Бир пари пайкар экан.
Кулганида нуқра сочган
Тишлари гавҳар экан.

Тишларини кўрмоқ истаб,
Ул парини кулдириб,
Теграсидан эсгая еллар
Бедору сар-сар экан.

Сўзи доно, ҳусни якто,
Ақли ҳам пешдир ва лек,
Тишга тилло қоплатмоқлик
Бир истаги бор экан.

Соф тишларинг дур, садафдир,
Унга олтин на ҳожат?
Улки тилло тўй кийган тиш –
Зиндан ичра хор экан.

МАНЗИЛЛАР

Үғлим-қизим чопқиллашиб, ўйнашади ким үзар,
Мәхр билан тикиламан, орзуларым бүй чўзар.
Ҳали ўғлим саволлардан ўзгасини билолмас,
Ҳали қизим хаёллардан ўзгасини қилолмас.

Ҳали улар очган эмас буюк фанда бир дунё,
Лек завқларин кўрганимда дунё очурман гўё.
Гўдак ўғлим саволлари баъзан мени қилур лол,
Қизимнинг сир-хаёллари зулматта нур, эҳтимол.

Жумбоқлар ҳам, жавоблар ҳам сероб экан ҳаётда,
Утганимда хаёл номли, учқур, тулпор қанотда.
Ўйлайманки, торлик қилур якка шахс фалсафаси,
Ахир, чекка қишлоқда ҳам янги ҳаст нафаси.

Ўйла тезроқ, вақт тифизроқ йигирманчи асрдир,
Кечаш шийдам ер деганинг, эрта улкан қасрдир.
Бир қасрки, манглайига баҳту иқбол ёэилган,
Бир қасрки, меҳнат қилган етар шундай манзилга.

Бу манзилда ўғлим албат ҳониқадир жавобга,
Бу манзилда орзу-хаёл албат чиқар рўёбга.
Бу манзилда нурин мангув сочаверсин офтоб,
Мен ҳам учқур тулпоримда олға интилгум шитоб.

ТҮЙДА

Бугун авжга чиқди базм, гулга түлди хонангиз,
Күчөң очиб, келди қутлаб, дүстингиз-дугонангиз.

Бунчалар гул-гул ёниб ўлтирибсиз, келинчак,
Бахтидан масрур қуев – энг яқин парвонангиз.

Йүл олис, күнгил яқин келдингиз довон ошиб,
Бунча ҳам кенг бўлмаса, сингилжон, пешонангиз!?

Ою йиллар кутдирдингиз, бас, етар, ҳижрон ғами,
Кетмас энди ҳеч қанақа важингиз-баҳонангиз.

Орозулардан кулсалар гоҳ, ҳижрондан ўйга толиб,
“Қизим олис кетди” дея, юрганишишлар онангиз.

Онангизга айтинг аста, асло ғам чекмасинлар,
Она бўлиб, бағрин очиб, кутмоқда қайнонангиз.

Кетмангиз, кетмангиз баҳор еллари,
Кетмангиз қалбимга ҳижронлар солиб.
Кетмангиз, эркатой баҳор гуллари,
Сиз менинг ўн саккиз ёшимни олиб.

Майлига, кетинг-у, излар қолдириинг,
Ҳар йили такрорий келгаңда баҳор –
Майлига, бир нафас ўйга толдириинг –
Ўн саккиз ёшимни кўрайин такрор.

МУРГАК МУҲАББАТ

Яна баҳор ... Кўзин уқалаб,
Уйғонмоқда сўлим табиат.
Ялпиз терар ариқ ёқалаб,
Қўлларида ихчам бир сават,
Юрагида сирли муҳаббат,
Жингала соч соҳибжамол қиз.

Ялпиз терар, яшил бу олам
Яшнатади қизнинг кўзларни.
У унуган онасин: “Болам,
Тезроқ келгин” деган сўзларин.
Нимагадир ёниб юзлари,
Ўз-ўзига берар савол қиз.

Қиз билмайди ким экан ўша,
Тунлар уни бедор этувчи.
Билмас ҳали, ўйлар ҳамиша,
Ким эканин бахтга злтувчи,
Ким экан у қалбин тутувчи?
Фақат сурар ширин хаёл қиз.

Кўриб қолди, ялпиз оралаб –
Очилибди бир жуфт қизғалдоқ.
Шўх энтикиб кетди мурғак қалб,
Гулни узиб оларкан, шу чоқ
Илк бор қучди мурғак бир титроқ...
Ҳали муҳаббати ҳилол қиз.

ОТАЖОН

(*Отам Нұрмұхаммад Содиқовнинң
әрқын хөтіраларига бағышлайман*)

Яна баҳор – назокат фасли,
Қир – адирни гулга ўрайди,
Гулзор аро бүтакүз хомуш
Етим қизнинг ҳолин сўрайди.

Севар эдим баҳорни мен ҳам,
Водийларга боқардим хумор.
Энди-чи гул, сен ёйса кўклам,
Кўз ўнгимда: гул унган мозор.

Ҳа, дадажон, қабрингиз сатқин,
Гул ўрабди, ўсибди майса.
Зиёратта бориб тунов кун
Тиёлмадим ўзим бир лаҳза.

Қанча-қанча ранжитар эдим,
Кўнглиңгизга берардим озор.
– Тушунмайсиз, дадажон, дердим,
Аммо Сизчи, кулиб, беозор:

– Бир кун келар афсус, қизгинам,
“Эҳ, отам-а!” – дерсан, бош чайқаб.
Она қизим, келмасдан шу дам –
Кўп нарсани билиб ол пайқаб.

Дея кулиб, севиб, зркалаб,
Сочларимни силар эдингиз.
Ҳоҳи кечми, ҳоҳи зрталаб,
Менга омад тилар эдингиз.

Эҳ отажон, эҳ жигаргўшам,
Үлмингиз сезғанимидингиз?
Бугун афсус ва соғинч билан
Сизни қўмсар она қизингиз.

Күмсар Сизни: бирор мүйсафид
“Қизим” дея гапирганида.
Күмсар Сизни, ҳар ишда событ –
Дадам қани, қанилар дея ...

Гоҳ хұрсинаиб, гоҳ ўпкам тұлиб,
Қабрингизга яна етдім ман.
Нечун жимсиз, йиглайман түйиб,
Наҳот йўқсиз, наҳот етимман?..

Наҳот шундай янгроқ кулгулар,
Наҳот шунча ҳислар, туйғулар.
Ҳеч топилмас насиҳатингиз,
Менга бўлган муҳаббатингиз.

Ҳар биттаси олтин сўзингиз,
Қайғу билмас, кулган юзингиз.
Ҳунарингиз, донишмандлик ҳам,
Сиз-ла ўтган қувонч, шодлик ҳам –

Наҳот Сиз-ла кўмилди ерга?
Наҳот лозим топилди гўрга?!.
Этик бўлур бошимиз наҳот,
Отасизмиз бутун умрга?

Йўқ, мен бунга рози змасман,
Чекил ортга эй, ёвуз ажал.
Отам яшар менда, мен билан,
Мангулиги менда бўлар ҳал.

КҮЗЛАРИМГА ТИКИЛМА ЗИМДАН

Күзларимга тикилма зымдан,
Табассумни дема карашма.
Юрагимни менинг кўзимдан
Англомайсан битта қараща.

Кўзларимга яширин уммон
Ҳам қуёшнинг таганмас нури.
Кўзларимда – бу сирли жаҳон,
Букилмаган қизлик фуури.

Кўзларимда навбаҳор ҳусни,
Қувончларининг аксу садоси.
Кечаларниң тим қора тузи,
Кундузларниң ёрқин зиёси.

Кўзларимда – дарёи азм,
Акс этади мавжлари билан.
Кўзларимда – бир дунё назм,
Ўқий олсанг – авжлари баланд.

Кўзларимда – менинг оламим,
Қорачигим – ернинг курраси.
Кулгу билан сингган аламим –
Ғалабамниң битта зарраси.

Кўзларимга боқма олисдан,
Баҳо берма қараган замон.
Ҳар нигоҳим яралур ҳисдан –
Кўзга кўзлар бўлса таржимон.

* * *

Ёмғир ёғар күкатлар узра,
Юмоқ бўлиб чангни, губорни.
Ундан кўзим узолмай сира,
Кутмоқдаман бедарак ёрни.

Ёмғир ёғар күкатлар узра,
Томчиларда акс этар ҳижрон.
Нечун ундан дарак йўқ сира.
Титраб кетар юрагим шу он.

Ёмғир тинди, күкатлар узра
Сахий нурин улашди қуёш.
Нурла кулди борлиқ бокира,
Фақатгина менинг кўнглим фаш.

Ана, ана келмоқда у ҳам,
Бир зумгина шошиб қоламан.
Ёмғирдай ёш тўкибмас, хуррам,
Кулибгина қарши оламан.

ФАВВОРАЛАР

Хусни кўз-кўз фавворалар,
Инжу сочиб овворалар.
Интилару фақат кўкка,
Айланарлар пуч кўпикка.

Бўйга етган қизлар мисол
Осмонларни қиласар хаёл.
Билмайдики она ери –
Кўллагувчи чин тақдери.

СИЗНИ ЭСЛАБ...

(Қайын укам Ағмаджоннинг түйшида ўқилган шеър)

Тўйхонамиз чароғон, дастурхонимиз тўкин,
Бир ёнда алп йигитлар, бир ёнда қизлар гулгун,
Куёв-келин муносиб, файзга тўла тўй бугун,
Фақат ўргар бир армон, қалбимизда бир тугун,
Отажон, Сизни эслаб...

Дилдан хотирлаб Сизни, сўзлагаймиз ушбу кун,
Нуроний чеҳралардан излагаймиз ушбу кун,
Ўхшашингиз тополмай кўзлагаймиз ушбу кун,
Тўйбошимиз қайда деб, бўзлагаймиз ушбу кун,
Отажон, Сизни эслаб...

Ҳамма нарса бор лекин, кўнгил Сизни тилайди,
Ота бўлиб Овамиз бошнимизни силайди,
Кўзларига ёш қалқиб, лаблари пицирлайди:
“Кенжатойим, тўйингни қани Отанг кўрсайди”,
Отажон, Сизни эслаб...

Бахтия бўлсин кенжамиз келинг, омад тилайлик,
Асалдай ширин турмуш, соф муҳаббат тилайлик,
Қўша-қўша фарзандлар, соглиқ-сиҳат тилайлик,
Бугун базми жамшиддир, ўйнайлик ва куляйлик,
Отажон, Сизни эслаб...

Сағимизга қўшилди яна битта оила,
Келинимиз беллашар гўзалликда ой ила,
Шу чароғон тўйхона, карнай-сурнай базм-ла,
Беш ўғил, бешта келин бош эгамиз таъзим-ла,
Отажон, Сизни эслаб...

ҚОР ЅЕМОҚДА

Қор ёғмоқда, тонгдай бегубор
Зарралары пилдираб, шошиб.
Ҳосилидан бўшаган шудгор
Далаларга мўл ҳосил ташиб.

Қор ёғмоқда, бу – дастлабки қор,
Фасли қишининг тўнгич фарзанди.
Ўнгу сўлда, қаранг, неки бор
Бари оппоқ бўлиб безанди.

Қор ёғмоқда, анов қизалоқ
Кўзларида табассум ғалат.
Атрофига қарамас мутлоқ,
Шошиб элтар кимгадир қорхат.

Қор ёғмоқда: илк севгидай пок,
Муҳаббатдай қуршаб олади.
Хаёл билан сирғанаман гоҳ,
Кимдир қордан “конток” отади.

Қор ёғмоқда – мен севган айём,
Мағрур шохлар майин зғилар.
Қордай учқунланган ҳислар ҳам
Қордай секин-секин тўкилар.

ОҚ ЙЎЛТИЛАНГ, ОНАЖОН

Кетар бўлди Сиздан олисга,
Ёлғизингиз, севар қизингиз.
Борманг турли хаёл ва ҳисга,
Ёруғ бўлар доим юзингиз.
Оқ йўл тиланг бугун, Онажон.

Умид қилинг, у борар хона
Армонлардан пок, холи бўлар.
Умид қилинг, Онажон, Она,
Қизингиз баҳт-иқболли бўлар.
Оқ йўл тиланг бугун, Онажон.

Сиз учирган полапонингиз
Гулга қўйсин мисли баҳт қуши.
Доим оқлаб ишонч, шонингиз,
Қутлуг кундек күлсин турмуши.
Оқ йўл тиланг бугун, Онажон.

Қанотланган полапон мисол
Парвоз қилсин шаффоф орзуси.
Тонгдайин соғ муҳаббатида
Порлааб турсин қуёш ёғдуси.
Оқ йўл тиланг бугун, Онажон.

Нурга тўлган айёмлар ҳаққи,
Ширин ташвиш ва ғамлар ҳаққи,
Бирга ўтган шод дамлар ҳаққи,
Кўрмай кетган одамлар ҳаққи,
Оқ йўл тиланг бугун, Онажон.

ОБОДМАҲАЛЛАМ

Ватан ичра таңдо Ватан – маҳаллам,
Қалбим ичра зебо, чаман – маҳаллам,
Не-не улуг зотлар ўтган маҳаллам,
Қалбим қувончлари – ободлигингдан.

Хайру саковатда Хотамдай тенгсиз,
Меҳру оқибатда отамдай тенгсиз,
Кўнгил уммонида ноёб бир денгиз,
Қалбим қувончлари – ободлигингдан.

Кезсам кўзим қувнар – кўчалар гўзал,
Фахрим – ҳар бир бино, гўшалар гўзал,
Кундуздай чароғон кечалар гўзал,
Қалбим қувончлари – ободлигингдан.

Маҳаллам – илк аллам гувоҳидирсан,
Вужуду руҳимнинг паноҳидирсан,
Тўю тантанамнинг ҳамроҳидирсан,
Қалбим қувончлари – ободлигингдан.

Сендан ўтган қанча донолар ҳақди,
Қанча оқил олим, зукколар ҳақди,
Манглайга битилган баҳт сўзи, балқи,
Қалбим қувончлари – ободлигингдан.

ЗИЛОЛАГА

(Зилола қызыннинг умр йўлдоши
Маҳмуджон атоҳалокат туфайли
31 ёшида фожеали ҳалок бўлди)

Йиглама қиз, йиглама,
Йиглаб бағрим тиғлама.
Шундогам куйган жоним
Энди сан ҳам доғлама.

Шириним, асал қизим,
Ойдан-да гўзал, қизим.
Бахтинг тиник бўлсин, деб
Қўйгандим Зилол исм.

Бахтингга кўз тегди, оҳ,
Магрут бошинг згди, оҳ,
Ногаҳоний фалокат
Кўз ёшлиаринг тўқди, оҳ,

Йиглама қиз, йиглама,
Йиглаб бағрим тиғлама.

Не кўргилик ўнгми, туш,
Бошгинангдан учди хуш.
Чувалади ўйларинг,
Ҳамроҳинг – муздай болиш.

Тунлар узун, қародир,
Сенинг қалбинг яродир.
Ёринг кетган манзилни
Ўйлаб юрак порадир.

Етти йилга етмаган,
Ширин сўздан ўтмаган,
Бу қандай турмуш бўлди,
Поёнини кутмаган?

Йиглама қиз, йиглама,
Йиглаб бағрим тиғлама.

Үғли борнинг – ўрни бор,
Қаторда құш норинг бор.
Жонингда талпинган жон –
Севар ёрингдан ёдгор.

Нуради баҳт кошонанг,
Шүр эканми, пешонанг,
Тунлар сендан йироқда –
Хун бұлар шүрлик онанг.

Отлар босмаган бу жой –
Босиб ўтар құша той.
Учганды бүлиб қанот,
Парвозингта турар шай.
Қора бўлса ўи беши –
Ўн бешида ёруғ ой.

Йиглама қиз, йиглама,
Йиглаб бағрим тиғлама.

ЙҮЛЛАР

Йүллар олис, йүллар узундир,
Етишім душвор.
Йүллар аро жамшид базмидир,
Чорлагай тақрор.

Йүлда тұхтаб, етлар аро
Қылайми базм?
Сен олисда мотамсаро
Йиглайсан сим-сим.

Бу қандай йүл? На чеки йүқ,
Ва на поени?
Мотамдасан қалбингда чүг,
Йүқдір баёни.

Турғандайсан яқинимда,
Олиссан бироқ.
Қарашларинг чакинида –
Ларзаю титроқ.

Күлларингни чүзгіб мендан
Тилайсан мадад.
Күмәк учун шошиламан,
Ожизман фақат.

Йүлинг олис, титрар танинг,
Ортар аламлар.
Сен томонға йүл олғани
Куяр қадамлар.

Малад сүраб чүзган қүлинг
Бескор, абасдир.
Танлай – танлай юрган йүлинг
Борса келмасдир.

БАХТ ҚҮШИГИМ

Айтиб берай, тингла бсармон,
Бахт йүгрىлган ҳур ёшлигимни.
Қадамимда гуллар нолармоп –
Шаффофф нурга туташлигимни.

Күвончимни, күклам елларим,
Борлық олам-жаңонга злтинг!
Күнгил рамзи, айтинг гулларим,
Хеч армопи борми бу элнинг?!

Бахт қүшигим тингласа само,
Чаңың қолдуз парпираң ёнар.
Магрур ой ҳам бугун маҳлис.
Нур улашиб, бирга қувонар.

Рашқдан булут әқасин йиртса,
Мен қуёшга қүшилиб кулгум.
Мургак куртак қуёш-ла бўртса –
Унда пинҳон менинг соф туйғум.

Иқболимни кўриб қўй сен ҳам,
Тўлқинлари гап уқмас дengiz!
Ўқсик қалбга бўлолсам малҳам –
Шунинг ўзи қувончдир тенгсиз.

Дил сўзимни эшиттил ўзинг,
Қалбга қувонч, гулу солган зот!
Сен туфайли шод боқар кўзим,
Мангу гўзал кўринар ҳаёт.

ЛОЛА

Айлаб ишқинг ҳавола,
Құлымта тутдинг лола.
Юзим ёниб лоладай,
Боқдим ерга уёла.
Ишқнинг изҳори – лола,
Қалбим баҳори – лола!

Лола туттан шүх бола,
Қылаверма күп нола.
Ишқин ошкор этолмас,
Билсанг ахир, қыз бола
Ишқнинг изҳори – лола,
Қалбим баҳори – лола!

Құлымда қирмиз лола,
Қувончларим шалола.
Қалбимда не борини
Күзларимдан баҳола.
Ишқнинг изҳори – лола,
Қалбим баҳори – лола!

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Бугун хиебонлар чорлайды яна,
Замин узра түшаб олтин поёндоз.
Бугун Ватанимда улкан тантана
Э қалам, энг баланд пардаларда ёз.

Юксалтир осмонга қўшиғим авжин,
Олиб учсин кузнинг мезон шамоли.
Қўшиғимга солай пахтазор мавжин,
Қўшиғимда – олтии қўллар иқболи.

Хаёлдан ўтказиб заҳматли йилни,
Она халқим тураг хирмон бошида.
Кўзларида гурур, бутун ҳосилни –
Жаҳон халқларига қиласар баҳшида.

КЕЛИНЧАГИМ

Келинчагим, келинчагим, келинчак,
Қутлуг булсни, сенга ойдин келажак.

Келинчагим, келинчагим, келинчак,
Шул йигит-ла албат баҳтинг кулажак.

Келинчагим, келинчагим, келинчак,
Қайнотанг бор: “Қизим” дей суюжак.

Келинчагим, келинчагим, келинчак,
Қайнонанг бор: онандан ҳам куйгунчак.

Келинчагим, келинчагим, келинчак,
Сеникидир шул кошона, гул-чечак.

Келинчагим, келинчагим, келинчак,
Насиб этсин сенга құша беланчак.

ИЛГИЖО

Менга учқур қанот бергил, она табиат,
Зотан, бугун қанотсиз ҳам учмоққа шайман.
Парвозимга мадад бергил, она табиат,
Орзуларим осмонида эркин учай ман.

Лочинларнинг журъатини бергил, табиат,
Сор лочинлар лолу ҳайрон бўлсин ҳавасда.
Бургутларнинг шиддатини бергил, табиат,
Шиддати зўр бургутлар ҳам қолсинлар пастда.

Денгизларнинг қудратини бергил, табиат,
Ҳиссиётлар дengiz мисол қилсин ғалаён.
Денгиз сатҳи – сийратини бергил, табиат,
Сийратимда покиза қалб бўлсин намоён.

Инсонларнинг қаноатин бергил, табиат,
Инсонгина сабр-бардош нелигин билур.
Оқилларнинг заковатин бергил, табиат,
Факат инсон ақл ила ҳис-идрок қилур.

Интизорлар мұхлатини бергил, сен ўзинг,
Висолингта зору муштоқ қалбимни тутай.
Бахтиёрлик суури-ла бокканда кўзинг,
Хижрон ғамларини тамом унутай.

ШАҲИДЛАР ХИЁБОНИДА

Хотиралар жунбушга келар,
Сизни ўйлаб, шаҳид кетганлар.
Ватанимда истиқбол кезар
Орзуларин қон-ла битганлар.

Қафасларни қўпорган ният –
Ватан учун истиқбол эди.
Жондан устун келган ҳамият –
Бугуяги эрк, истиқбол эди.

Қодирийнинг нигоҳларида –
Қотган армон, мунгни кўраман.
Носирийнинг дил оҳларида –
Озодликнинг тонгин кўраман.

Озод злим, ўтганлар ҳаққи,
Мустақиллик барқарор бўлсин.
Истиқтолим, күёшдай балқи,
Ватан обод, руҳлар ёр бўлсин.

АНВАР ЮСУПИЙГА

(Ҳасил)

Сочнинг парвариши – тароқ билан,
Эркакнинг мардлиги – ароқ билан.
Донолар бир замон қилгандай нақл,
Етмишга кирганда етаркан ақл.
АЗИЗ бошнинг қадрига етмоқ керак,
Бош учун муҳими – тароқ керак.

Тажрибам кимгадир балки мазмунсиз,
Ўтиз йилки бош юваман шампунсиз.
Совуну шампунлар – сочга не даркор,
Бари бошга зарар – барчаси ишқор.

Бош ювсангиз тиниқ сувнинг ўзига,
Ажойиб кўринар ул Ойдинлар кўзига.
Сочим учун танладим бир жуфт тароқ,
Шул сабаб бош омон, кайф ҳам тароқ.

ҚОРАТЕПА ҚИРЛАРИДА

Қирларда ям-яшил майсалар,
Юзларин нурларда чайсалар.
Адирлар туташиб фалакка,
Кенгликлар завқ солар юракка
Қоратепа қирларида . . .

Шовуллаган теракми, сойми,
Гижингллаган тулпорми, тойми?
Сочларингни силайди сабо,
Бунда қўшиқ ҳар битта наво
Қоратепа қирларида . . .

Яшилликдан ҳапқириб юрак,
Қўл сттудек кўриниар фалак.
Кўк юзини қучар турналар,
Аргимчоқда учар турналар
Қоратепа қирларида . . .

Зумрад қирдан осмонга қадар –
Маликанинг рақсидеқ дилбар.
Эҳтиросу завқларинг жўшиб,
Тугилади ойдин бир қўшиқ
Қоратепа қирларида . . .

ТҮРТЛИКЛАР

Тумансимон эмас күйларим,
Кундуз тарқаб, тонгда қоришка.
Юлдуссимон эмас ўйларим –
Кундуз сұниб, тунда әришса.

Еафо билан гул узсанг,
Булоқ бўлиб қондиргум.
Ҳавас учун кўз сузсанг,
Олов бўлиб ёндиригум.

Ўроқнинг дамидай ой сузар,
Ёритмоқ бўлади тун қаърин.
Туннинг нигоҳида ўй кезар,
Аритмоқ бўлади дил зорин.

ЧАҚМОҚ

Ларза солиб бир тутам чақмоқ
Йиртди кўкнинг бўғиқ пардасин.
Коинотни ёритди, бироқ
Зумда ўчди, қолмай шарпаси.

Ҳаётда бор шундай одамлар –
Ҳайқириги чақмоқ мисоли.
Умри ўтиб кетар бесамар,
Қолмас на ном, на бир тымсоли.

ЮЛДУЗ УЧАР...

Юлдуз учар,
Учар хаёлим,
Қайлардасан, офтобжамолим?
Юлдуз ёнар,
Ёнаман мен ҳам,
Балки сен ҳам ёнурсан шу дам.

Ой ҳам кетди
Тұлышыб роса,
Кечмишлардан айлаб хulosса.
Тундан олған таассуротларин
Ҳаммасини кимгадир айтса.

Бўзарар тонг
Сокин, жунжикиб,
Йўлларингта қолдим кўз тикиб.
Ёришар тонг офтоб нуридан,
Мен ёнаман юрак қўридан.

УЛОҚДА

Кумуш қишининг оппоқ бағрида
Пишқиради улоқчи отлар.
Йүқ, отлармас оқлик наҳрига
Ёйилмишdir юзлаб муродлар.

Фиротингиз суворий оға,
Сизни маңсад сари йўллагай.
Кимки минса мурод отига
Мир Алишер руҳи қўллагай.

КЎҚДА ОФТОБИМ

Тонг юлдузи қайга йўқолди,
Қайга кетди юлдузлар кулиб?
Тун пардаси қайдан жой олди,
Қайга кетди сирдош Ой тўлиб?

Қани мени имлаган юлдуз,
Йўқ эканми ҳижронга тоби?
Беркинибди барчаси унсиз,
Кўқда яна – нурли ОФТОБИМ!

УСТОЗ

Йиллар бирин-бири қувалаб,
Үтар экан сөздирмай гоҳо.
Лек биринчи устоз, илк талааб –
Хотирангда қоларкан танҳо.

Алифбедан көннот қадар –
Бўлса қанча бостган йўлимиз
Йўллар аро олтин зиналар –
Кўйган устоз, Сизнинг қўлингиз.

Шогирдингиз эҳтиромини
Дилдан жўшиб қиласди баён:
“Она” билан “Ватан” номини
Ёздирганда бизга ёнма-ен.

Барчамизга баробар устоз,
Барчамизга она бўлгансиз.
Ватан каби меҳрибон, мумтоз
Қалб тўрида мангу қолгансиз.

* * *

Қоядаги қүш қайин,
Силкинар сирли, майин.
Үн түрт кунлик ойдайин
Түлиб келай қошингга.

Толиққанда мадоринг,
Номинг куйлаб, бедоринг,
Азизинг, вафодоринг
Бўлиб келай қошингга.

Ёнингдан қизлар хандон
Ўтганда бўлиб армон.
Бахтинг куйлаб бегумон
Кулиб келай қошингга.

На ҳижрону на алам,
Буколмагай иродам.
Бир кун дейсан ўзинг ҳам:
“Қойилман бардошингга!”

СЕН БОРСАНКИ

Сен борсанки – ҳаёт бебаҳо,
Оlam гүзал күринар чунон.
Нолишларни билмайман асло,
Юрагимни ўргамас ҳижрон.

Сен борсанки – иқболим баланд,
Бахти бекам бўлиб юраман.
Сен борсанки – қувончга пайванд,
Шодликларга тўлиб юраман.

Сен борсанки – насибам тугал,
Ҳар мушкулга етур саботим.
Сен борсанки, ҳаётим асал,
Ифтихордир қўшиқ, баётим.

Сен борсанки – юрақда ғурур,
Ҳар мушкулки ҳал бўлур осон.
Сен борсанки – қўзларимда нур,
Сен бахтимга мангу бўл омон!

* * *

Порлаб тонгда сўнгти юлдузлар.
Билмам ердан иенидир излар.
Тунда келин узатиб келиб,
Тонгда Ойни кузатиб қайтди.
Зуҳро юлдуз парпираб, кулиб,
Келинчакка илк салом айтди.

МАДХИЯ

Давраларнинг тўри бугун пахтакор деҳқон учун,
Қалбимизнинг қўри бугун пахтакор деҳқон учун,
Карнайларнинг жўри бугун пахтакор деҳқон учун,
Куй-қўшиқнинг зўри бугун пахтакор деҳқон учун.

Сизга эзур олтин кузнинг файз тўла саховати,
Сизга эзур Ой, Қуёшнинг нурлари, ҳарорати,
Сизга эзур тоза қалбининг меҳрию муҳаббати,
Сизга эзур куй-ғазалнинг санъати, назокати.

Кел, бир ўпай пешонангдан, пахтакор дугонажон,
Элга берган дурдонангдан, пахтакор дугонажон,
Қуёш ўпар хирмонингдан, пахтакор дугонажон,
Кўнгил ҳам тоғ паймонангдан, пахтакор дугонажон.

Сиз азалдан ваъдаларни дўндирувчи азамат,
Чўл бағридан дуру олтин ундирувчи азамат,
Шонру бастикорга завқу илҳом бағишлаб,
Қаламларин янги шеърга йўндирувчи азамат.

КЕЧИР МЕНИ

Кечир, сени севолмадим ҳеч,
Гарчи сенга ҳурматим баланд.
Исминг мени этса-да иотинч
Бир синглингдай тилайман омад.

Ранжимагин, бевафо дея,
Бесвафоман демайман мудом.
Бўлса ҳамки бу юрак қоя,
Қалбга буйруқ беролмас одам.

* * *

Толдим сенинг таъқибларингдан,
Эркинликни инкор этувчи.
Үйчан нигоҳ – рақибларингдан –
Қалбинг сирин ошкор этувчи.

Оҳ, бокурсан синовчан, ўйчан,
Тикиласан, хурсинасан жим.
Кӯз узмайсан гўёки кўкдан
Янги юлдуз топган мунахжим.

Сўзла ахир, сўзла борини
Толдим, толдим соқов нигоҳдан.
Тўкиб солу қалбинг зорини,
Мадал сўра ёлғиз Оллоҳдан.

МУНДАРИЖА

Қүёш юрти	3
Нашида	5
Ёфдулар	6
«Тунда ойнинг ҳилоласи...»	7
Қалбим	7
Софинч	8
Раҳм билмас	8
Хотира	9
«Ўтар кунлар, ўтар ойлар ҳам...»	9
Навниҳол	10
Кимни кутар	10
Қадрим	11
Манзара	11
Бўлса бордир	12
Хаёлим	12
Баҳор	13
«Қайларгадир шошилар юрак...»	13
Эслайман сени	14
Онагинам	15
«Дарё шовуллайди...»	16
Одамлар	16
Сумалак	17
Дам олиш куни	19
Шодлигимнинг боиси	20
«Ёлғиз мен уйдаман, мудроқ хонада...»	21
Болакай	21
Хотира хиёбонидаги ўйлар	22
Қўш келин	23
Муҳаббат	23
Оқ қофоз	24
Мен сизни қўмсайман	25
Мавлудаҳон	25
Вафо мадҳи	26
Гул софинчи	27
Алп Жамолга	27
Алла	28
Онажоним, хаёлимда – Сиз	29

Тиш васфи	31
Манзиллар	32
Түйда	33
«Кетмангиз, кетмангиз бақор еллари...»	33
Мурғак муҳаббат	34
Отажон	35
Күзларимга тикилма зимдан	37
«Емғир ёғар күкатлар узра...»	38
Фавворалар	38
Сизни эслаб	39
Қорғымоқда	40
Оқ йўл тиланг, Онажон	41
Обод маҳаллам	42
Зилолага	43
Йуллар	45
Бахт қўшиғим	46
Лола	47
Ҳосил байрами	48
Келинчагим	48
Илтиҳо	49
Шаҳидлар хиёбонида	50
Анвар Юсупийга	51
Қоратепа қирларида	52
Тўртликлар	53
Чақмоқ	53
Юлдуз учар	54
Улоқда	55
Кўкда офтобим	55
Устоз	56
«Қоядаги қўш қайин...»	57
Сен борсанки	58
«Порлаб тонгда сўнгти юлдузлар...»	58
Мадҳия	59
Кечир мени	59
«Толдим сенинг таъқибларингдан...»	60

Адабий-бадиий нашир

РАХИМА СОДИҚОВА

МЕН СИЗНИ ҚҮМСАЙМАН

Шеърлар

Муҳаррир Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадиий муҳаррир Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаххид Наргиза МИНАҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи Феруза БОТИРОВА

ИБ № 4111

Босишига 02.12.2005й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобори 2,0. Шартли босма тобори 3,36.

Адади 1000 нусха. Буюргма № 240.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбая марказида тайёрланди.

«Виллар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.